O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 8 март, шанба • №19 (11.510) • Эркин нархда сотилади

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!
Азиз опа-сингиллар!
Суюкли қизларим!

Бугун, баҳорнинг илоҳий нафасидан табиат уйғониб, олам яшариб, янгиланиб бораётган ушбу дамларда сиз, азизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуғ айём - 8 март байрами билан муборакбод этиш, кўпчилик қаторида сизларга ўз ҳурмат-эҳтиромимни изҳор қилиш менга катта қувонч ва мамнуният бағишлайди.

Биз дунё гўзаллигини, ҳаёт фалсафаси ва маъно-мазмунини авваламбор аёл сиймосида, унинг фидойи қалби, вафо ва садоқатида кўрамиз, ҳис этамиз.

Маълумки, ҳар қайси инсон аёл зотига бўлган меҳр-муҳаббатини изҳор этиш учун беихтиёр шеърият, назм оламига мурожаат қилади. Шу маънода буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг:

Чун азалдин шаҳи жаҳон сизсиз,
Бўлмасун бир нафас жаҳон сизсиз, –

деган ўлмас сатрлари барчамизнинг дилимиздаги ҳис-туйғуларни ёрқин ифода этади.

Биз аёл зотини Оллоҳ таолонинг беқиёс мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Чиндан ҳам, тарихимиз ва бугунги кунимизга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, бу таъриф замирида асрлар, минг йиллар давомида ҳаётимизда тоғдай таянч ва суянч бўлиб келаётган аёл сиймосига мансуб буюк ҳақиқат мужассам эканини англашимиз қийин эмас.

Нега деганда, одамзот машаққатли синовларни енгиб ўтиш, Фарҳод каби чўлларга сув чиқариш, оламшумул кашфиётлар яратишдек улуғвор ишларни ўзига тасаввур этиши мумкин. Аммо ҳеч ким, ҳеч қачон бир нарсани тасаввур қила олмайди: аёлсиз ҳаёт йўқ ва бўлмайди ҳам.

Шу боис халқимиз, миллатимизнинг тарихида аёлни асраб-авайлаш, унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш, уни ҳимоялаш, керак бўлса, бутун борлиғини аёл учун бахшида этиш ўзини эр йигит деб билган ҳар бир инсон учун наинки машҳур достонларда, балки ҳаётнинг ўзида ҳам шарафли бир иш, мардлик ва қаҳрамонлик намунаси бўлиб келган.

Айниқса, ҳозирги мураккаб шароитда сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг янги ҳаёт, янги жамият барпо этишда, буюк келажак бунёдкори ва ҳимоячиси бўлмиш ҳар томонлама соғлом ва баркамол, ўз халқига садоқатли ёш авлодни тарбиялашда, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда тинчлик- осойишталик, қут-барака ҳукмрон бўлиши йўлида кўрсатаётган катта хизматларингиз ва сабру бардошингизни Ватанимиз юксак қадрлайди.

Истиқлол йилларида хотин-қизларимизнинг жамиятдаги нуфузини кўтариш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз қобилият ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш борасида кўп ишлар қилинаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Бу фикрнинг тасдиғини нафақат марказда, юртимизнинг олис туманлари, шаҳар ва қишлоқларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, маданият, илму фан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт каби ижтимоий соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва роли ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фермерлик, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолияти каби бугун замон ва бозор муносабатлари талаб қилаётган соҳаларда ҳам опа-сингилларимизнинг фаол иштироки ва нуфузи тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Биз ёруғ келажагимизни қуриш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришишга қаратилган дастурларни амалга оширар эканмиз, юртимизда аёл зоти учун ман қилинган, улар қатнашмаётган бирон-бир тармоқ ёки соҳа бўлмаслиги даркор. Аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, бу йўлдаги барча сунъий ғов ва тўсиқларни, ҳар қандай чекловларни бартараф этиш, хотин-қизларга менсимай қараш каби ўтмишдан қолган салбий одатларга бутунлай барҳам беришга бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан бири, деб қарашимиз керак.

Бу борада қилаётган хайрли ишларимиз, жумладан, ёш истеъдод соҳибалари учун Зулфия мукофотини таъсис этганимиз ҳам ҳаётга катта орзу-интилишлар билан кириб келаётган қизларимизга ўз имконият ва қобилиятларини рўёбга чиқаришда кўмак ва мадад бериши муқаррар.

Мен ана шундай саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, шубҳасиз, ҳар қайси туман, вилоят ҳокимликлари ва марказий идоралар раҳбарларининг нафақат вазифаси, балки инсоний бурчига айланиши даркор, деб биламан.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бориши билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хусусан, ҳомиладор аёлларга ғамхўрликни кучайтириш, соғлом фарзандлар дунёга келиши учун тиббий масканлар фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, ёш болали оилаларга давлат ва жамият томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ёрдамнинг самарасини ошириш масаласи ҳам доимо диққатимиз марказида бўлиши зарур.

Бир сўз билан айтганда, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг кўпчиликка маълум бўлган фикрини давом эттириб, мен **"Соғлом авлод ўстираётган юртнинг келажаги буюк ва қудратли бўлур"** деган қараш умуммиллий шиоримизга айланиб қолишини истардим.

Бу борада шу йилнинг ўзида амалга ошираётган режаларимиз, хусусан, "Обод маҳалла йили" дастурида кўзда тутилган амалий вазифалар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, фурсатдан фойдаланиб, нафақат бугунги кунимизни, айни пайтда келажагимизни ҳам белгилаб берадиган бир фикрни, яъни аёлларга қанча ғамхўрлик қилмайлик, барибир уларнинг олдида ҳамиша қарздормиз, деган фикрни билдириб, юртимизнинг барча ўғлонларини, авваламбор, катта-кичик раҳбарларни ана шундай тушунча ва ғоялар билан яшашга даъват қилмоқчиман.

Қадрли опа-сингиллар!

Бетакрор юртимизда баҳор ва бахт айёми бошланаётган мана шу унутилмас дамларда юрагимда барча аёлларимизга бўлган ҳурмат ва меҳр-муҳаббат туйғусини яна бир бор изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Агарки мендан, дунёдаги энг зебо, энг латофатли, оқила аёллар, сулув ва дилбар қизлар қаерда яшайди, деб сўраса, ҳеч иккиланмай, ғурур ва ифтихор билан "Мўътабар Ўзбекистонимиз заминида" деб жавоб берган бўлур эдим.

Ҳамиша эзгулик ва шафқат, меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли бўлган сиз, азизларни бугунги гўзаллик ва нафосат байрами билан чин дилдан қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Табаррук оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин! Азиз опа-сингилларимизнинг орзу-умидлари ушалсин! Ёш қизларимиз, жажжи невараларимизнинг истаклари рўёбга чиқсин!

Мунис чеҳраларингиз доимо шодлик ва табассум нуридан мунаввар бўлсин. Кириб келаётган баҳор нафаси барчангизга бахт ва саодат келтирсин.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**




# СИЗГА ШАРАФ, СИЗГА ШОН!

Шу қутлуғ айём арафасида вилоятимиз илғор хотин-қизларининг тантанали анжумани бўлиб ўтди. Тошкент вилоятининг ҳокими Уммат Мирзақулов тантанада сўзга чиқиб, вилоят хотин-қизларини муборакбод этди.

Биз ҳаётни аёлларсиз тасаввур қила олмаймиз. Аёл борки, олам гулистон, дунё мунаввар, юртда баҳамжиҳатлик. Хонадонларимиздаги тўкинсочинлик аёлларимиз, уларнинг саранжом-саришталиги самараси.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг иқтисодий, маънавий-маданий ва илмий-техник салоҳияти юксалиб, жаҳон ҳамжамиятида кенг эътироф этилиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаб бормоқда.

*(Давоми 2-бетда).*



# АЁЛ АҲЛИГА

*Қалдирғочнинг уясига*
*Ўхшар кўзу қабоғингиз,*
*Бир силкинган қанотидай,*
*Қайрилма қош-қароғингиз.*
*Киприкларда қатор гўё*
*Хушёр ўқу яроғингиз,*
*Қалдирғочга кўз тиккан — биз,*
*Учиб юрган қушми... бу — Сиз!*

*Кўкка ҳайрон тикилтириб,*
*Гоҳ бошимиз эгилтириб,*
*Қуёш бўлиб, булут ичра*
*Гоҳ йўқолиб, гоҳ билдириб,*
*Юлдузлардай минг сочилиб,*
*Чақмоқ каби юз тилдириб,*
*Кўкка қараб турган бу — биз,*
*Ерга тушмай юрган бу — Сиз!*

*Кўзлар толиб, ерга боқсак,*
*Атиргулга айланасиз,*
*Тикан кирган қўлга боқмай —*
*Оҳ, бепарво товланасиз.*
*Гул узмоқдан умид узиб,*
*Бир қайрилсак... нозланасиз.*
*Иш аҳлининг азоби — биз,*
*Бу азобнинг сабаби — Сиз!*

*Қалдирғочни тутолмаймиз,*
*Атиргулни узолмаймиз,*
*Бизга теккан дард — эски дард,*
*Ундан ҳали тузалмаймиз,*
*Биздан ортиқ куйиб ўтган,*
*Навоийдан ўзолмаймиз.*
*Умидини узмаган — биз,*
*Умидимиз асли бу — Сиз»!*

*Ҳамид НОРҚУЛ.*

# МАҚСАД — ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ

*6-7 март кунлари Словакия Республикаси Президенти Рудольф Шустер расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.*

Ташрифнинг асосий воқеалари "Дўрмон" қароргоҳида бўлиб ўтди. Юксак мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Словакия раҳбари билан яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида мамла-

*(Давоми 2-бетда).*

# ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

***Шу йил 5 март куни халқ депутатлари Тошкент тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.***

Унда ташкилий масала кўрилди.

Бахтиёр Рўзиевич Алимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди.

Сайфулла Эргашович Темиров Тошкент тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов сўзга чиқди.

# НАФОСАТ БАЙРАМИ МУБОРАК!

## УЛАР БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ

**Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Ангрен шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси**



— Бугунги байрам шукуҳи бизнинг Ангренда ўзгача бир руҳда намоён бўлмоқда. Шаҳримизнинг байрамона кўча ва майдонларини, сайлгоҳ ва истироҳат боғларини айлансангиз, одамлар баҳорий янгиланиш, гўзаллик байрамини нишонлаётганликларини кўрасиз. Аёлларимизнинг чеҳрасида гулгунлик, шодонлик ва қувонч. Теварак-атрофда ўзбек, тожик, рус, татар, немис, қозоқ, корейс, украин ва бошқа тилларда табрик сўзлари, дилхуш истаклар эшитилади. Давраларда турли халқлар мусиқаси янграйди.

Шу байрам кунлари наинки шаҳримиз, балки бутун мустақил Ўзбекистонимиз камолига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга салмоқли улуш қўшаётган, ўз озод Ватани билан фахрланиб, унинг истиқболи учун ҳормай-толмай меҳнат қилаётган, фарзанд ўстираётган хотин-қизларимизни номма-ном тилга олишни истайман. «Саноатқалинкоғозсавдо» акциядорлик жамиятида Муборакхон Акбархонова, кўмир конида Ирина Борисовна Гриб, улкан нурхоналаримизда Мавлудахон Темирбекова ва Санобар Мирзаева, Шарқий курама геология-қидирув экспедициясида Мунавварxон Дониёрова, шаҳримиз телевидениесида «По секрету...» дастурининг ташкилотчиси ва муаллифи Алфия Кутлиева каби юзлаб аёлларимиз ўз саъй-ҳаракатлари билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, иқтисодиётимизни ривожлантиришга, маънавий баркамол йигит-қизларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Олтин тозаловчиларнинг «Зарница» артели ҳуқуқшуноси Фаридахон Ҳакимовани Жигаристон, Чинор, Облиқ, Гулбоғ каби қишлоқларимиз аҳолиси яхши танийди, ниҳоятда ҳурмат қилади. Негаки, Фаридахон қишлоқ аёллари давраларида бўлмаган, улар билан суҳбатлашмаган, бирор-бир жўяли маслаҳат бермаган куни йўқ. Бу фаол жамоатчи мутахассис аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунларимизни билиш, ўз меҳнатлари ва турмушларини шу асосда ташкил этиш кўникмасини тарбиялаш билан изчил шуғулланади.

Мустақиллик йилларида ҳаётимиз янги мазмун билан бойимоқда. Буни ҳар куни кўриб турибмиз, ҳар биримиз бу жараённинг иштирокчиларимиз. Жумладан, Ангренда бу ўз самараларини кўрсата бошлади. Бугунги тантаналар одамларимиз руҳидаги байрамона кайфият ана шу ўзгаришлар, янгиланиш, ўзликни англаш далили. Турли миллатга мансуб замонамиз аёллари якдил-ҳамжиҳат бўлиб, маънавий баркамолликка етишишга ўз муносиб ҳиссаларини қўшавердилар.



## МЕН ЕР СОҲИБАСИМАН

**Зулхумор ПАРМОНОВА, Чиноз туманидаги «Гулзоробод» ширкат хўжалиги пудратчиси**

— Юртимизга яна баҳор келди. Ер қизиб, ҳовур кўтарила бошлади. Шу байрам кунлари далаларимни айланиб, ерга уруғ тушадиган онлар яна ҳам яқинлашиб қолаётганлигини қониқиш билан ҳис этдим.

Оилавий пудратга ўтиб кам бўлмаяпмиз. Ўтган йили ўғлим Олимжон иккимиз 18 гектар майдонда 28,5 центнердан пахта етиштирдик. 7 гектар ердан мўл хирмон кўтариб, қўшимча бир тонна буғдой олдик.

Албатта, ҳосил етиштириш, уни йиғиб-териб олиш осонмас. Иш тиғиз пайтлари қўни-қўшниларим Турсуной, Мавлудахон, Рисолатой, Мақсудахонлар қўл қоқишишди.

Бугунги байрам куни барча аёлларни қутлуғ айём билан қутлаб, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман.

## МАРКАЗ ГРАНТ ЭГАСИ

*Қуйичирчиқ туманидаги «Тадбиркор аёл» уюшмаси АҚШнинг Каунтерпарт Консорциум жамғармасига «Маҳалла учун ўқув маркази» лойиҳаси билан мурожаат этди. Ушбу лойиҳа жамғарма томонидан маъқулланди ва бўлажак ўқув маркази учун грант ажратилди. Шу тариқа «Тадбиркор аёл» уюшмаси қошида ўқув маркази ташкил топди.*

— Марказимизга, — дейди уюшма раиси Лола Қулмуродова, — 7 миллион 800 минг сўмлик қандолатчилик ускуналари, хона жиҳозлари, сартарошлик аксессуарлари, «Зингер» тикув машиналари ўрнатилди.

Ҳозирга келиб ўқув марказида 50 га яқин хотин-қиз бир неча мутахассислик бўйича таълим олмоқда.

Марказ ишини ривожлантиришга «Немис ривожланиш хизмати» эксперти Карл Кюнс хоним доимий ёрдам бериб келмоқда.

Яқинда Лола Қулмуродова АҚШнинг Аклохома университетида таҳсил олиб келди.





## НАЗМ ВА НАВО КЕЧАСИ

Шу йилнинг 5 март куни Паркентнинг 500 дан зиёд донгдор аёллари Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан туман ҳокимлигининг залига тўпланишди. Назм-наво базми иштирокчиларини Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова, туман ҳокими Мирзамашраф Куччиев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари Шарифа Салимова, Гулнора Йўлдошевалар қизғин табриклашди. Шеърхонлик билан ўтган айём тадбири Абдулҳай Каримов, Умида Мирҳамидова ва Ойбек Ҳамроқулов сингари таниқли хонандалар иштирокидаги байрам концертига уланди.

*СУРАТЛАРДА: назм ва наво кечасидан лавҳалар.*

***Зиёвуддин ҲОЛИҚОВ олган суратлар.***




## ГУЛЛАР — ЭНГ МУНОСИБ ТУҲФА

Аёл — ҳаётимиз файзи, кўрки-тароватi, меҳр-шафқат ва садоқат тимсоли. Аёл деганда кўз ўнгимизда, аввало, улуғ ва табаррук сиймо гавдаланади. Инсон зоти борки, оламдаги барча яхшилик ва эзгуликларни, ҳаёт сабоқларини она меҳри, она саховати билан боғлайди.

Юртимизда байрамлар кўп. Лекин, айни байрамларнинг улуғи ва энг латофатлиси биз сўз юритаётган аёллар байрамидир. Бу байрамга ҳар соҳада ўзига хос ва мос совға ҳозирлаш юртимизда анъана тусини олган.

Юқоричирчиқ туманидаги «Райҳон» ширкатининг бир қатор заҳматкаш меҳнат аҳли ҳам бундан мустасно эмас. Улар ўз иссиқхоналарида Голландиядан келтирилган гул навларини меҳр билан парваришламоқдалар. Улар томонидан етиштирилган атиргул, чиннигул ва бошқа гуллар аёлларимиз учун энг муносиб байрам совғасидир.

*СУРАТЛАРДА: (чапдан) ширкат раиси Жўравой Элёров; Тоҳир Содиқов ўзи етиштирган гуллари орасида.*

***Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.***





## ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

силос жамғаришди. Бундан ташқари 25 тонна картошка, 30 тонна қовоқ етиштирилди. Тирик вазнда 25 тонна гўшт, 70 тонна сут сотилди.

Мўмай даромад ҳисобига техника янгиланаётир. Бир йилда «ЗИЛ-130» юк машинаси, дон майдалайдиган мослама олинди. Бу йил чорвачиликни янада ривожлантириб, тадбиркор аёл битта комбайн, МТЗ-80 трактори ва бошқа техника олиш билан бирга сутни қайта ишлайдиган цех, савдо-сотиқ билан шуғулланиш учун дўкон очиш ниятида. Наслчилик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Мана шу изчил меҳнатлар натижасида Гулбаҳор Отаматова туман, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг рағбатлантирувчи ёрлиқларига сазовор бўлмоқда.

Sport Sport Sport

## МЕРГАН ҚИЗЛАР

*Зангиота туманида халқаро хотин-қизлар байрами арафасида мерганлик мусобақаси ўтказилди.*



18 та ўрта мактабнинг ўқувчи қизлари ва аёл ўқитувчилар — жами 87 иштирокчи ўзаро куч синашишди.

Мерган қизлар даврасида 26-мактаб ўқувчиси Феруза Мирзаева ғолиб чиқиб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар 19-мактаб ўқувчиси Нигина Аҳмедова билан 20-мактаб ўқувчиси Гулмира Бектуровага насиб этди.

Муаллималар мусобақасида 8-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Каримовага ҳеч ким тенг кела олмади. Иккинчи ўринни 21-мактаб ўқитувчиси Шаҳноза Парпиева, учинчи ўринни 22-мактаб ўқитувчиси Лазокат Аширматова эгаллашди.

***Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.***

*1-4 март кунлари пойтахтдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Гран-при туркумига кирувчи «Мустақиллик кубоги» анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтди.*

## ДИЛШОДНИНГ САККИЗИНЧИ МАРТ СОВҒАСИ

Унда сайёрамизнинг 15 га яқин мамлакатидан, жумладан, АҚШ, Россия, Германия, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Жанубий Корея, Қатар, Туркманистондан полвонлар иштирок этишди. Улар орасида Олимпиада ўйинлари ғолиблари, жаҳон ва Осиё чемпионати совриндорларининг борлиги беллашувларнинг муросасиз ва қизғин ўтишини таъминлади. Турнирнинг тантанали очилиш маросимида эркин кураш бўйича олимпиада ўйинларининг кумуш медаль совриндори, Осиё ўйинлари ғолиби Артур Таймазовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» унвони берилганлиги эълон қилинди.

Ушбу турнирда 22 нафар эркин курашчи, юнон-рум кураши бўйича 25 нафар полвон юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Финалга чиққан 8 полвонимиздан 5 нафари чемпион унвонига сазовор бўлди. Бешта олтин, тўртта кумуш медални қўлга киритган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни забт этишди. Медаллар сонини кўпайтириш бобида россияликларнинг олдига тушадигани бўлмади. Улар ҳисобида 8 олтин, 3 кумуш ва 4 бронза медаль бор.

Эркин кураш бўйича 55 килограмм вазнда вилоятимиз вакили Дилшод Мансуров ярим финалда россиялик Носир Абдуллаевга қарши беллашиб, финалга йўлланмани қўлга киритди. Финалда эса, Америка чемпиони Аббас Стефенни енгиб, турнир ғолиби бўлди. Юнон-рум кураши бўйича беллашувларда Савриддин Наврўзов ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, қирғизистонлик Ўран Калилов устидан ғалаба қозонди. 60 килограмм вазнда икки вакилимиз — Дилшод Орипов ва Аслиддин Худойбердиевлар ғолиблик учун курашди. Унда омад Дилшодга кулиб боқди. Осиё ўйинларининг совриндори Алексей Чеглаковнинг рақиби грузиялик Ромаз Нодадзенинг бетоблиги сабабли «Мустақиллик кубоги» юртдошимизга насиб этди. Оғир вазнли эркин курашчи Артур Таймазов эса Америка кубоги соҳиби Керри Маккой устидан ҳалол ғалабага эришди.

***Хуршида НАЗАРОВА.***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***



*СУРАТДА: олтин медаль соҳиби Дилшод Мансуров ўз устози Маъмур Рўзиев билан.*

***Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.***

## «ПАХТАКОР»НИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ?

*Шу йилнинг 9 март куни қитъамизнинг тўрт шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) ташаббуси билан ўтган йили бошланган чемпионлар лигасининг гуруҳ беллашувлари бўлиб ўтади.*

Чорак финалга етиб келган "сариқ қитъа"нинг ўн олтита энг кучли жамоаси тўртта гуруҳга бўлинган. Баҳслар Ал-Айн (Бирлашган Араб Амирликлари), Бангкок (Таиланд), Дальян (Хитой) ва Тошкентда ўтказилади.

Чемпионлар лигаси беллашувларини иккинчи босқичдан бошлаган пахтакорчилар гуруҳ босқичигача етиб келиб, "Ат-Талаба" (Ироқ), "Ниса" (Туркманистон) ва "Пирузи" (Эрон) жамоалари билан бирга "D" гуруҳидан жой олди.

Гуруҳ ўйинлари бошланиши арафасида барча мутахассислар жамоаларнинг кейинги босқичга чиқиш имкониятини ўрганмоқда. "D" гуруҳида ярим финал йўлида "Пахтакор"га, асосан, "Пирузи" жамоаси тўсқинлик қилиши мумкин. Лекин ҳар икки жамоанинг ҳам бугунги кунда устунлик ва камчилик томонлари мавжуд.

"Ниса" эса ўтган йилги мамлакат чемпионатида 32 учрашув ўтказиб, энг кам мағлубиятга учраган жамоа ҳисобланади.

"Ат-Талаба" хусусида сўз кетганда, бу жамоанинг устунлиги ҳам мамлакат миллий биринчилигининг қизғин паллага кирганлигидадир. Ўтган йилнинг сентябрь ойидан буён "Ат-Талаба" биринчиликда 24 учрашув ўтказди. Ҳозирча 59 очко билан мусобақа жадвалида иккинчи ўринда. Ироқликлар ўз миллий чемпионатидаги ўйинлар билан чекланиб қолмади. Улар чемпионлар лигаси беллашувларига Сурияда тайёргарлик кўрган.

Хуллас, "Пахтакор" ҳам, унинг гуруҳдошлари ҳам чемпионлар лигаси баҳсларига жиддий тайёргарлик кўрган. Қайси жамоанинг тадориги маромида бўлганини 9 март куни бошланадиган учрашувларда билиб оламиз.

***ЎзА.***

*2-7 март кунлари Чирчиқ шаҳрида 1987-1988 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. 15 та вазн тоифасида ўтказилган ушбу мусобақада жами 151 боксчи иштирок этди.*

## НАВБАТ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

Бахтиёр Ҳусанов (42 кг.), Тоир Исманов (44 кг.), Таљат Нурбоев (46 кг.), Болат Аширов (48 кг.), Илҳом Азизхўжаев (50 кг.), Толиген Халиев (50 кг.), Боуржон Усенов (54 кг.), Азамат Қулжонов (57 кг.), Равшан Толипов (60 кг.), Диёр Ҳасанов (63 кг.), Қайрат Туймеқулов (66 кг.), Илёс Каримов (70 кг.), Аҳрор Саидкаримов (74 кг.), Соғиндиқ Бекманов (79 кг.), Аҳрор Муралимов (86 кг.) ўз вазн тоифаларида биринчи ўринларни забт этишди. Чемпионлар айни дамларда Хоразмда бўлиб ўтажак республика босқичига тайёргарлик кўрмоқдалар.

## БИР ЙЎЛА ИККИ ОЛТИН

Тошкент шаҳридаги Республика заҳиралари коллежида 1984 йилда таваллуд топган ўсмирлар ўртасида енгил атлетика бўйича анъанавий халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Вилоятимиз вакили, Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори Андрей Подуров 2 тур бўйича олтин медални қўлга киритди. Андрей баландликка сакрашда 2,9 метр ва узунликка сакрашда 6,98 метр натижа кўрсатиб, барча тенгдошларидан ўзиб кетди.

***Ўз мухбиримиз.***


**ОЧИҚ ТУРДАГИ «ТАЪМИР-ҚУР» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**2003 йил 26 март куни соат 11.00да Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги Фармони муҳокамасига бағишланган навбатдаги йиғилишини ўтказади.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 41-а уй.**

***Кузатув кенгаши.***

**Тошкент вилояти «Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмаси**

**акциядорларининг умумий мажлиси 2003 йил 4 апрель соат 10.00 да бирлашма мажлислар залида ўтказилади.**

***Манзил:*** *Тошкент шаҳар, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 28-уй.*

**Тошкент вилояти «Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмаси акциядорларининг умумий мажлиси**
**КУН ТАРТИБИ**

1. Тошкент вилояти «Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмасининг 2001-2002 йиллардаги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича бирлашма бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги УП-3220-сонли Фармонига асосан акциядорлик бирлашмаси ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш, Низом жамғармаси ҳажмини Президент Фармонида кўрсатилган миқдорга келтириш, Тошкент вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 2002 йил 15 августдаги 281-Д-сонли буйруғининг ижроси тўғрисида.
3. Тошкент вилояти «Дори-дармон» Давлат акциядорлик бирлашмасининг молиявий-хўжалик фаолиятининг 2001-2002 йиллардаги якунлари бўйича аудиторлик текшируви хулосасини тасдиқлаш.
4. Тошкент вилояти «Дори-дармон» Давлат акциядорлик бирлашмаси кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
5. Тошкент вилояти «Дори-дармон» Давлат акциядорлик бирлашмаси бош директорининг шартномасини келаси йилга узайтириш ва бир йил муддатга ишга ёллаш бўйича шартнома тузиш.
6. Тошкент вилояти «Дори-дармон» Давлат акциядорлик бирлашмасининг 2003 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
7. Тошкент вилояти «Дори-дармон» Давлат акциядорлик бирлашмасининг 26 фоиз давлат улуши сақланган ҳолда мол-мулки билан республика акциядорлик компанияси таркибига қўшилиш масаласи.

***Кузатув кенгаши.***




**Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиалида 26 февраль куни бўлиб ўтган кимошди савдосида Қибрай, Паркент, Оҳангарон туманлари ҳудудида жойлашган жами 7 та ер майдонлари 631000 сўмга сотилди.**

**24, 26, 28 февраль кунлари бўлиб ўтган биржа савдоларида Пскент тумани, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарлари ҳудудида жойлашган 4 та жами 19870000 сўмлик нодавлат кўчмас мулк объектлари, Қибрай туманида жойлашган 6 та 1610000 сўмлик нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари сотилди.**

# ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

## Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2003 йил 9, 16, 23, 30 апрель ва 7, 14, 21, 28 май кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. Чирчиқ шаҳар, А. Навоий кўчасида жойлашган, фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, сатҳи 400 кв.м. бўлган 2та ер майдони.

**Бошланғич баҳоси – 87 812 сўм.**

2. Чирчиқ шаҳар, У. Носир кўчасида жойлашган, фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, сатҳи 400 кв.м. бўлган 2та ер майдони.

**Бошланғич баҳоси — 68 440 сўм.**

Ер майдонларига ариза қабул қилиш кимошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

3. Тошкент вилояти Ангрен шаҳар молия бўлимига қарашли Нисса-522 русумли, давлат рақами 11 AD 706 бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 683200 сўм.**

4. Чотқол Давлат биосфера қўриқхонасиго қарошли ИЖ-271501 русумли, давлат рақами 11 АН 495 бўлгон, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 300400 сўм.**

5. Янгийўл шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан хатланган, «Агрофирма Янгийўл» ОАЖга қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:

— «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 11 АВ 742, 1993 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси — 900000 сўм.**

— «ВАЗ-21099» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 11 АВ 741, 1995 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси — 1200000 сўм.**

— «ГАЗ-2411» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 11 АВ 745, 1991 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси — 450000 сўм.**

— «ИЖ-21251010» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 11 АВ 743, 1991 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси — 400000 сўм.**

6. Бўстонлиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан хатланган, «Бурчмулла заргарлик заводи»га қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:

— «КАМАЗ-5511» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 15-66 ТШС, 1981 йилдо ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси — 1271200 сўм.**

— «ОАВД» русумли цистерно типидаги ярим прицеп техника воситаси, давлат рақами 82-88 ТШН, 1989 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси — 792200 сўм.**

7. Юқоричирчиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан хатланган, «Агрегатсервис» қўшма корхонасига қарашли — «ГАЗ-53Б» русумли автотранспорт воситаси, давлот рақами 11 АР 553, 1983 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси — 686700 сўм.**

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдоларга қўйилади.

---

**Эслатма:** сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида «Xususiylashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Мурожаат учун телефонлар:** 133-28-52, 133-77-18, **факс:** 133-43-73.

# МЎЙҚАЛАМ МАЛИКАЛАРИ



*Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида 8 март - Хотин-қизлар кунига бағишлаб "Мўйқалам маликалари" деб номланган кўргазма ташкил этилди. Унда юртимизда фаолият олиб бораётган мўйқалам соҳибалари асарларига кенг ўрин берилган.*

Бугунги кунда маҳоратли мўйқалам соҳибалари билан бир қаторда истеъдодли ёш мусаввир қизларимиз дунёнинг кўплаб давлатларида ташкил этилаётган нуфузли кўрик-танлов, кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Кўргазмадан асарлари кенг ўрин олган Ф.Гамбарова, Ш.Абдуллаева, Л.Содиқова каби рассомлар шулар жумласидандир.

Тадбир доирасида Шаҳноза Мўминова ҳамда Владимир Бурмакиннинг байрамга аталган шахсий кўргазмалари ҳам ташкил этилди.

***Назокат УСМОНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

## Bolalik bog'i

# BAXILLIK NATIJASI

*Bir odam o'z xotini bilan birga qovurilgan tovuq go'shti yeb o'tirgan edi. Shu vaqt bir gadoy kelib, eshikni taqillatdi. Haligi odam eshikni ochgach, gadoy o'z ehtiyojini arz qilib, undan yordam so'rabdi. Uy egasi hech narsa bermay, u bechorani quvib yuboribdi.*

*Bir qancha vaqt o'tgandan keyin bu odamning omadi ketib muhtojlikka tushib qoldi va xotiniga javob berib yuborishga majbur bo'ldi. Xotin undan ajralib, boshqa erga tegdi. Bir kuni yangi eri bilan non va qovurilgan tovuq go'shti yeb o'tirishganda, bir gadoy kelib, sadaqa so'rabdi. Yangi er darhol non ustiga tovuq go'shti qo'yib, xotiniga gadoyga olib chiqib berishni buyurdi. Xotin ovqatni gadoyga berdi-yu, yig'lab eri yoniga qaytdi. Eri yig'ining sababini so'radi. Xotin bu gadoy ozining birinchi eri ekanini aytdi. Ikkinchi er: «Birinchi ering bilan ovqatlanib o'tirganingda tilanib kelgan gadoy men edim! Ering baxilligi tufayli shu holga tushgan», — dedi.*

***K. EGAMBERDIYEVA***
***tayyorladi.***

# «ЙЎЛ БЎЛСИН» ОЛМОН ТЎЛҚИНЛАРИДА

*Санъат чегара билмайди. Шунинг учун қўшиқчилик санъатида хонанда ўз қалбидаги яширин нозик ҳис-туйғуларни тингловчи қалбига етказишга интилади.*

Ўзбек қўшиқлари чуқур мазмуни ва миллий оҳанглари билан нафақат Ўзбекистонда, балки узоқ хорижий мамлакатларда ҳам минглаб кишиларни ўзига жалб этади.

Бир неча йил муқаддам дунё халқлари қўшиқлари жанрларини ўрганувчи британиялик тадқиқотчининг мулоҳазаларини ўқиган эдим. Унда «Ўзбек мумтоз қўшиқларини мазмуни, мураккаб композицияси, оҳангдошлиги билан бошқа халқлар мусиқа асарлари билан бир қаторга қўйиш мураккаб» эканини эътироф этган эди.

Айниқса, мусиқанинг барча услуб ва йўналишлари бўйича эшиттиришлар тайёрловчи Германия каби мамлакат радио тўлқинларида қўшиқ тарқалишининг ўзга талаблари бор.

Яқинда Германиянинг «Мульти-Культи» 106,8 FM якшанбадаги тонгги «Жаҳон мусиқаси» эшиттиришида Севара Назархон ижросида «Йўл бўлсин» қўшиғи янгради.

Европа марказида она тилида янграган қўшиқни эшитиш ҳиссини сўз билан ифодалаб бўлмайди.

***«Жаҳон» АА.***

## Мозийдан садо

# БИБИХОНИМ МАСЛАҲАТИ

Амир Темур бир қалъани фатҳ этолмай кўп азият чекди. Бор саркардалик иқтидорини қўллаб, душман истеҳкомига қайта-қайта ҳужум қилди. Бироқ қалъа миқ этмай турар, ғалабадан дарак йўқ эди.Соҳибқирон ўйга толди. У бошига мушкул кунлар тушганда Самарқандга, суюкли маликаси Бибихонимга нома йўллаб, маслаҳат сўрарди. Бу сафар ҳам мухтасар мактуб битиб, чопарнинг қўлига тутқазди.

— Сенга бир ҳафта муҳлат. Тез бориб, тезда қайтгайсен.



Чопар Самарқандга етиб келиб, мактубни маликага топширди. Бибихоним дуои саломни ўқиб кўриб, соҳиби давлатнинг аҳволи руҳиясини дарҳол англади. Гарчи, соҳибқирон иши юришмаётганини ошкора айтмаган бўлсада, зукко малика учун ним ишора кифоя эди. У чопарга икки кун ижозат берди. Учинчи кун чорлаб, Самарқанд сайрига олиб чиқди. Янгидан қурилган шоҳ кўчаларни, расталарни, тимлар, хонақоҳ, масжиду мадрасаларни кўрсатди.

— Соябонимизга айтингки, — деди Бибихоним, — биз ҳукмдор шаънига шаҳарда ораста боғ барпо этмакни ният қилдик. Эски оғочларни қўпориб, аларнинг ўрнига навниҳоллар ўтқаздик...

Чопар лашкаргоҳга етиб келиб, Бибихонимнинг номасини Амир Темурга топширди. Соҳибқирон мактубни синчиклаб ўқиди, дуои салом... аҳли хонадон осойишталиги... соғинчли сўзлар... Оллоҳдан иноят, пирлардан мадад, тилак бисёр, илло, интиқ кутилган йўриқ йўқ эди. Соҳибқирон маликани хўб билади. Ўттиз йилдирки, жон маҳрами, сирдоши, маслаҳатгўйи. Қўшиннинг ушмундоқ ҳолатини эшитиб, бир нима демаслигига ақл бовар қилмасди. Дарвоқе, чопар...

У ҳузурига дарҳол дарақчини чақиртирди.

— Хотирингни жам айла, ўғлон, маликанинг бирон гапи ёдингдан чиқмадиму?

Чопарнинг ранги қув оқарди:

— Йўқ, ҳазратим, айтмадилар. Шул... ҳазратнинг зафар яловини кўтариб, тезроқ қутлуғ шаҳри азимга қайтишларини тилаб...

Темур унинг гапини кесди:

— Самарқандда неларни кўрдинг?

— Шаҳар бинойи бўлибди, ҳазратим. Тимлар, ораста кўчалар, мадрасалар...

— Хўш, тағин?..

— Ҳа, узр, ҳазратим, улуғ маликамиз давлатпаноҳимизга атаб янги боғлар барпо этибдилар.

— Хўш, хўш! — бетоқат бўлди Амир Темур.

— Улуғ малика бул фақирни эргаштириб, ўшал боғларни кўрсатдилар. Қуриб-чириган эски оғочларни қўпориб ташлаб, ёш кўчатлар эка бошлабдилар.

— Бас, сенга жавоб! — деди Темур ҳаяжон ичида. Бирдан унинг шуури ярқ этиб ёришди. Бибихонимнинг донолигига яна бир бор тан берди.

Эртадан бошлаб Амир Темур мол-дунё йиғиб зериккан ва танбалликдан жангу жадал иштиёқини йўқотган қари-қартанг саркардаларни бўшатиб, уларни ўрнига ёш, баҳодир йигитларни тайинлади. Шундан сўнг, душман истеҳкомлари бирин-кетин қулай бошлади.

***Саъдулла СИЁЕВ.***

## Қулганга Нима Етсин!

# УСТОЗ ВА ШОГИРД

Авария содир бўлган жойга ўз шогирди билан бирга сантехник етиб келди.

Канализация люкини очса, у ер ифлос сув ва бошқа нарсалар билан лиқ тўла эмиш. Сантехник асбоблар солинган халтани люк олдига қўйиб, ичкарига шўнғиб кетибди. Бир-икки дақиқадан сўнг қайтиб сузиб чиқиб:

— Ўн иккинчи ключни узатвор!

Яна уч дақиқадан сўнг:

— Ўн еттинчи ключни узатвор!

Ўн беш дақиқадан сўнг таъмирлаш ишлари якунланибди.

Сантехник люкдан бошини чиқариб шогирдига:

— Мана, ишни кўр, ўрган. Бўлмаса, люк ёнида ўтириб ключ узатиш билан умринг ўтиб кетади, — дебди.

## Биласизми?

Баҳор ва ёз бошларида она ари бир суткада 1500 та тухум қўяди. Яхши сифатли она ари эса, бутун баҳор ва ёз фасли давомида — 100-150 минг дона тухум қўйиши мумкин.

* * *

Арихоналарда етиштириб кўпайтириладиган кучли асалари оиласида ёз мавсумининг ўрталарида 60-70 минг, дурагай зот ари оиласида 80-90 мингтагача ари бўлади.

* * *

Асаларилар оиласи бир нечта мелипонлар, асаларилар, ҳимоя (найза) аппарати йўқ асаларилар ва тригонлар авлодларига бўлинади.

* * *

Оилада ишчи ариларнинг сони кўп бўлиши эвазига улар қисқа вақт, яъни 20-30 кун ичида кейинги йилги шарбат ташиш давригача етадиган озиқ тўплай оладилар.

# ЁНҒОҚНИНГ ХУСУСИЯТИ



«Ақлингни пешламоқчи бўлсанг, кўпроқ ёнғоқ егин», дейдилар. Табиат ёнғоқни шундай яратганки, унинг мағзини бир қўлингизга, бош миянинг тасвирини иккинчи қўлингизга олиб солиштирсангиз, уларнинг тузилиши бир хил эканлигини кўрасиз. Ёнғоқ таркибида ақлни пешлайдиган, асабни мустаҳкамлайдиган, куч-қувват берадиган ёғ, оқсил ва турли витаминлар бор.

Қон босими кўтарилган киши кунига тўртта ёнғоқни нонга қўшиб ейиши мумкин, чунки, ёнғоқ мойи қон таркибини тозалаш хусусиятига эга.

Ёнғоқ баргини, ёки пўстини майдалаб оғриётган жойга суркалса, оғриқни қолдиради.

Кўм-кўк пўсти тишларга суртилса, милкларни мустаҳкамлайди.

Илдиз пўстини зайтун ёғида қовуриб, ҳил-ҳил бўлгач, бавосил ҳамда бел оғриғига суркалса, яхши наф беради. Баргининг иситилган сувини қулоққа томизилса, қулоқ оғриғини тўхтатади, қулоқ ичидаги кирларни чиқаради.

Ёнғоқнинг кўк пўстига асал ёки узум шираси қўшиб тайёрланган қиём дифтерия, томоқ оғриғи, тиш, милклардан қон оқиши ва тишнинг қимирлаб қолишини йўқотади.

## Халқ табобати

Тоза пўстини хина билан қўшиб, бошга суркалса, бош оғриғи ва бурундан сув оқишини тўхтатади.

Ёнғоқ арраланганда, чиққан қипиқни сирка билан аралаштириб юзга суркалса, юз териси тиниқ ва чиройли бўлади. Ёки уни зайтун ёғи билан намлаб бошга суркалса, қазғоқ йўқолади.

Уй бекалари кийим-кечакларни куядан сақлаш учун ёнғоқнинг баргларидан бемалол фойдалансалар бўлади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси Тошкент вилоят Физиотерапия шифохонаси бош шифокори

**Матлуба БЕКНАЗОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси жамоаси Тошкент вилояти Физиотерапия шифохонаси бош шифокори

**Матлуба БЕКНАЗОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-231. Адади 10420. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6